

Буюклик омили



17:30 / 20.05.2021 2807

Саҳобаларнинг буюкликнинг омилларида бири уларнинг кўз ўнгида кетма-кет ваҳий нозил бўлиб турганидир. Ҳар куни оламларнинг Моликидан янги хабарлар келиб турар эди. Саҳобалар бу рисола билан ҳар куни покиза бўлишар, таъбир жоиз бўлса ғусл қилишар эди. Қайсидир кунда азон машруъ бўлар, қайсидир кунда намоз фарз бўлар, бошқа бир кунда никоҳ машруъ бўлар, аёлларни тўрттагача чекланар, бошқа кунда ароқ ҳаром бўлар, қадаҳлар ерга улоқтирилар эди. Улар бу келаётган рисола билан ўзларига боғлиқ бўлган гоҳида мубҳам, гоҳида очиқ ишораларни илғашар эди.

Масалан қуръонда “Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир”(фатҳ сураси-29) ояти нозил бўлиб унинг ортидан “Ва у билан бирга бўлганлар” ояти нозил бўлганида кишиларнинг кўзлари Абу Бакр розияллоху анҳуга тикилган

эди.

“Кофирларга қаттиққўл” ояти нозил бўлганида кўзлар Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу томон тикилган эди.

“Ўзаро бир-бирларига раҳмли” ояти нозил бўлганида кўзлар Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга боққан эди.

“Мўъминлардан Аллоҳга берган ваъдаларига содиқ қолган кишилар бор” ояти нозил бўлганида қалбларга шаҳид Анас ибн Назр розияллоҳу анҳунинг баҳодирлиги келган эди. Анас ибн Моликнинг кўзи эса амакиси Анас ибн Назрнинг қабрига боққан эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар ичида энг буюк қори ҳисобланмиш Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳуни чақириб ундан Аллоҳ таоло ундан Баййина сурасини ўқишини сўраганини айтганларида Убай розияллоҳу анҳунинг ҳуши бошидан учиб: “Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ менинг исмимни айтдимми?!”, деб сўраган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга “ҳа” деб жавоб берган эдилар.

Ҳа, Аллоҳ таоло уларни зикр қилар эди. Улар ҳам зеро Аллоҳни зикр қилишар эди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг воситаларида Аллоҳнинг азамати ва буюклигига мос равишда доимо Аллоҳ таоло билан алоқада эдилар. Биз эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тушимизда бир бор кўрсак бир қанча вақт осмонларга учиб юрган бўлар эдик.

Бизга суннатни нақл қилган буюқларимизнинг даражаси шундай эди. Ёлфон уларнинг ҳатто хотирига ҳам келмас эди.

Саҳобалар исломга киришганида кунлар ниҳоятда зулматли эди. Тўғри, бугун ҳам ҳақиқий динни ушлаш ниҳоятда қийин. Аммо у кунларда бениҳоя оғир бўлган. У даврда Ислом ёлғиз ва ғариб эди. Аммо саҳобалар ана шундай қоронғу ва зулматли кунларда ҳам исломнинг ёнида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида сабот билан тура олишди.

Ибн Арабий роҳимаҳуллоҳ ўзининг “Муҳозаратул аброр” номли китобида келтиради:

“Абу Бакр розияллоҳу анҳу Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоҳу анҳуга бир гапни айтиб уни Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга етказишини тайинладилар. Унда қуйидаги гаплар бор эди:

“Эй Али! Сен ақл юргизмайдиган даражада кичкина бўлган чоғингда биз кўчага чиқсак ўлим бизга кунда бир неча бор кўз тикиб турганини кўрар эдик. Ташқарига чиқсак бошимизга қилич келиб тушишидан доимо хавотирда юрар эдик. “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини айтган киши танасига ханжар киришини кутибгина айтар эди”.

Саҳобаларнинг даражасини улуғ қилган нарса ана шу эди. Шунинг учун уларнинг қалб кўзлари бу олам ҳақиқатларини теран кўра олган. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кирдилар. Ҳорис ибн Молик масжидда ухлаб ётган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни оёқлари билан туртиб уйғотдилар ва дедилар:

-Бошингни кўтар.

Ҳорис бошини кўтарди ва: “Сизга ота-онам фидо бўлсин эй Аллоҳнинг Расули!”, деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга дедилар:

-Эй Ҳорис ибн Молик! Қандай тонг оттирдинг?

Ҳорис деди:

-Эй Аллоҳнинг Расули! Ҳақиқий мўъмин ҳолида тонг оттирдим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

-Ҳар бир нарсанинг ҳақиқати бўлади. Айтган гапингни ҳақиқати нима?

Ҳорис деди:

-Дунёдан нафрат қилдим. Кундузлари чанқадим. Кечалари бедор бўлдим. Мен гўё Роббимнинг Аршини кўриб тургандекман. Гўё жаннат аҳлини бир-бирларини зиёрат қилиб турганларини кўриб тургандекман. Гўё дўзах аҳлини оҳ-воҳларини эшитиб тургандекман.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

-Сен Аллоҳ қалбини мунаввар қилган кишисан. Яхши англабсан, шуни лозим тут!

Уларнинг Аллоҳга яқинлиги шу қадар эди. Шунинг учун ҳам ҳадиси қудсийда келганидек Аллоҳ уларнинг кўрадиган кўзига, эштадиган қулоғига, гапирадиган тилига ва тутадиган қўлига айланган эди!

Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин!

Абдулқодир Полвонов тайёрлади